

Фарзандимга қачондан динни танитай? (биринчи мақола)



13:30 / 12.08.2021 4344

Маълумки, фарзанд тарбияси энг масъулиятли, шу билан бирга, мушкул жараён ҳисобланади. Бир болани дунёга келтириб, уни тарбиялаб, вояга етказиш инсондан сабр-тоқат, улкан меҳр-муҳаббат талаб қилади. Ҳар бир ота-она зурриётининг ўқимишли, билимдон бўлишини истайди, албатта.

Баъзи болалар ҳақиқий китобсевар бўлса, бошқалари эса акси - ўқишни ёқтирмайди. Ота-она фарзанди улғайган сари у ҳақида кўпроқ ўйлайди ва унга муносиб тарбия бериш борасида имкони борича ҳаракат қилади. Аммо дин масаласига келганда кўпчилик катта бўлса, ўзи ўрганиб олади, ҳали ёш, дейиш билан чегараланади. Аслида, фарзандимизга қачондан бошлаб динимиз, унинг аҳкомларини танитишимиз керак?

Бола гўдаклигидан бошлаб дунё билан таниша бошлайди ва атрофидаги нарсаларни тушунишга интилади. Олимларнинг хулосаларига кўра, уч ёшга қадар бола миясининг 80 фоиз ривожланиб бўлар экан. Шу даврда қўйилган мустаҳкам пойдевор боланинг келажаги учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, фарзандни тарбиялаш ва унга таълим беришга ҳали эрта деган фикр, умуман олганда, тўғри эмас.

Болаларга динни танитишда ёшнинг аҳамияти жуда муҳим. Аммо диний таълим ва диний ҳис-туйғуларнинг ривожланиши жиҳатидан энг муҳими мактабгача бўлган даврдир. Бу даврнинг фарзанд учун самарадорли бўлиши ота-оналарнинг диний таълим-тарбия ҳақида мустаҳкам билимга эгаллиги, боланинг саволига жавоб бера олиши, унга қайси босқичда ва қайси доирада қандай ахборотни тақдим эта билиш билан боғлиқ.

Фарзандларимизга динни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг усуллари, яъни босқичма-босқич тушунтириш йўлидан фойдаланган ҳолда ўргатишимиз керак. Соғлом диний таълим бериш учун ҳар бир ота-она аниқ мақсадга, жумладан, яқин ва узоқ режаларга эга бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан боланинг мактабгача бўлган даври динни тушунтириш ва динга бўлган муҳаббатни шакллантириш даври эканини ҳар бир ота-она билиши зарур. Етти ёшдан то балоғат давригача эса ибодатларда кўникма ҳосил қилиш жараёни сифатида қаралиши лозим.

Қуйида сизга тақдим этилаётган тавсиялар, албатта, умумий характерга эга бўлиб, ҳар бир боланинг фикрлаши, дунёқарашидан келиб чиқиб индивидуал ёндашишни талаб қилади.

Икки ёш

Икки ёшда бола аста-секин гапиришни бошлайди ва атрофдаги барча нарсага қизиқиб, уларни тушунишни истади. Бу ёшда унга диний ҳикояларни ўқиб бериш кифоя, Қуръон ва чиройли сўзларга қулоқ солиш ҳам фарзандингизнинг ёшига мос машғулот. Бу ёшда биз болаларга «Лаа илаҳа иллаллоҳ», яъни тавҳид калимасини ёдлатишимиз ҳам мумкин.

Уч ёш

Уч ёшли болада кўпроқ қайсарлик ва гапга қулоқ солмаслик ҳолатлари кузатилади. Бу ёшда бола катталар айтган гапнинг аксини қилишни хоҳлайди. Ҳар қандай ишни ўз кучи билан ҳеч кимнинг ёрдамисиз амалга

оширмоқчи бўлади. Албатта, бу ўткинчи ҳолат, боладаги бу характер аста-секин сусайиб боради. Яна бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим – бу ёшда болаларга босим ва тазйиқ ўтказиш мумкин эмас! Болага мажбуран «мана шуни ёдлайсан» деб шарт қўйиш кейинчалик унинг инжиқ бўлиб қолишига ва унда динга нисбатан ёмон фикр пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли бола истамаса, унга озроқ вақт беринг.

Тўрт ёшга яқинлашган сари боланинг руҳиятида хотиржамлик кузатилади. У энди ўзини бошқаришни ўрганади. Яъни унинг инжиқлик даври тугаб, серсаволлик даври бошланади. Атрофдаги барча нарсани унинг учун қизиқ туюлади ва шу сабаб ота-онасига тинмай савол билан мурожаат қилади. Бу саволларга қисқа, аниқ жавоб беришга ҳаракат қилинг. Чунки бу ёшда боланинг мияси ривожланиш босқичида бўлади ва ортиқча маълумотларни қабул қилишга қийналади. Катта дуо ва сураларни мажбуран ёдлатиш болани илм олишдан совитиб қўйиши мумкин. Бу ёшда болага ота-онаси билан бирга намоз ўқишга рухсат бериш мумкин, аммо ҳар сафар боладан ҳаракатларни тўғри бажаришинг керак, деб талаб этиб бўлмайди. Уни ўз ҳолига қўйиш керак ва шундагина бола аста-секинлик билан ҳаммасини англай бошлайди.

(Давоми бор)

Нозимахон Умарали қизи

«Ҳилол» журналининг 7(28) сонидан олинди